

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК 657.6 (575.1)**

ХАЙДАРОВ РАВШАН МИРЗАКАЛОНОВИЧ

**АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ТАШҚИ СИФАТ НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: Тўраев Абдурахим Нортожиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент шаҳри– 2025 йил

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
I боб.	АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ТАШҚИ СИФАТ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1.	Аудиторлик текширувларида ташқи сифат назоратининг моҳияти ва назарий асослари	13
1.2.	Аудиторлик текширувларида ташқи сифат назоратини тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили	22
1.3.	Аудиторлик текширувларида ташқи сифат назорати бўйича хориж тажрибаси ва ундан республикаимиз аудит соҳасида фойдаланиш истиқболлари	31
	I боб бўйича хулоса	39
II боб.	АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ТАШҚИ СИФАТ НАЗОРАТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ	41
2.1.	Аудиторлик текширувларида ташқи сифат назоратини ўтказиш амалиёти	41
2.2.	Аудиторлик текширувининг сифатини таъминлашда аудиторлик ташкилоти ички стандартларининг аҳамияти	51
2.3.	Аудиторларнинг малака даражаси аудиторлик хизматлари сифатини оширишнинг асосий омили сифатида	60
	II боб бўйича хулоса	69
III боб.	АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ТАШҚИ СИФАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	72
3.1.	Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларида аудиторлик текширувларининг ташқи сифат назорати тизимини такомиллаштириш	72

3.2.	Аудиторлик ташкилотининг ички стандартларини аудитнинг халқаро стандартларига қиёслаш орқали такомиллаштириш	84
3.3.	Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга нисбатан қўлланадиган таъсир чоралари	94
	III боб бўйича хулоса	102
	ХУЛОСА	104
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	108
	ИЛОВЛАР	117

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви ва хорижий инвестицияларга бўлган талабнинг ўсиб бориш шароитида акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларига инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш, акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий инқирозлар асоратларини юмшатиш зарурати аудиторлик хизматларининг сифатини оширишни тақозо қилмоқда. “Сўнгги йилларда аудитнинг сифат кўрсаткичлари динамикасида салбий ўзгаришлар юзага келиши сабабли жамиятда аудит сифатига бўлган талабни кучайиб бораётганини аудит бозорини мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг халқаро форуми (IFIAR)нинг изланишлари ҳам тасдиқлайди”¹. Давр даъватларидан келиб чиқиб, “IAASB (Халқаро аудит ва ахборот ишончилигини кафолатловчи стандартлар бўйича кенгаш) томонидан аудит сифатини бошқариш бўйича янги аудитнинг халқаро стандартлари қабул қилинди”². Илғор халқаро тажриба асосида, аудиторлик текширувларида ташқи сифат назорати тизимини республикамизда жорий қилиш, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни кенг жалб қилиш, акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларига бўлган ишончни ошириш, давлат ва акциядорлар мулкига зиён етказишни олдини олишга имконият яратади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар молиявий назорат тизимида аудиторлик текширувларининг ташқи сифат назоратини жорий этиб, мазкур назорат турини ўзларининг миллий қонунчилигига киритганлар.

Жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни намоён этадики, аудит сифатини ошириш ва сифат назоратини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бир қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Турли давлатларда халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувларида ташқи сифат назоратини йўлга қўйишга қаратилган

¹ Inspection Findings Survey – Released March 25, 2022, ifiar.org

² <https://www.iaasb.org>